



SOME ASPECTS OF OPERATIONAL INVESTIGATIVE EVENTS IN THE MIDDLE AGES

Karshiyev Aziz Mukhtorovich

Ministry of Internal Affairs Academy of the Republic of Uzbekistan

Department of operational investigative activities

senior lecturer, lieutenant colonel

Email: ulugumar@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11083793>

ARTICLE INFO

Received: 21th April 2024

Accepted: 28th April 2024

Online: 29th April 2024

KEYWORDS

Crime fighting, operational investigative activities, operational investigative events, results of operational investigative activities, legality, data collection, compliance with confidentiality rules.

ABSTRACT

The article examines the history of crime fighting. These data are mainly recorded on the specific aspects of operational investigative activities and the implementation of operational investigative activities in different periods and under different conditions, as well as data on the effectiveness of its implementation.

ЎРТА АСРЛАРДАГИ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Қаршиев Азиз Мухторович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси

Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник

E-mail: ulugumar@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11083793>

ARTICLE INFO

Received: 21th April 2024

Accepted: 28th April 2024

Online: 29th April 2024

KEYWORDS

Жиноятчиликка қарши курашиш, тезкор-қидирув фаолияти, тезкор қидирув тадбирлари, тезкор-қидирув фаолияти натижалари, қонунийлик, маълумотлар тўплаш, махфийлик тартибига риоя этиш.

ABSTRACT

Мақолада жиноятчиликка қарши курашиш тарихига оид маълумотлар кўриб чиқилади. Ушбу маълумотлар асосан тезкор қидирув фаолияти ва тезкор қидирув тадбирларини ўтказишнинг турли даврларда ва турли шароитларда қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда уни амалга ошириш самарадорлигига оид маълумотлар қайд этилган.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш инсониятни қадим замонларидан бери мавжуд. Ушбу тадбирлар тезкор-қидирув, турли комбинация ва разведик



имкониятлардан фойдаланган ҳолда, давлат ҳамда унинг фуқаролари хавфсизлигини таъминлаш, ички ва ташқи душманлардан ҳимояланишга қаратилган бўлиб, ушбу фаолият доимий равишда давлат бошқарувининг барча шаклларида мавжуд бўлган ва шахсий ҳамда манфаатларига хос бўлган.

Илк даврлардаги тезкор-қидирув фаолиятига оид ҳаракатлар тўғрисида муқаддас китоб - Инжилда қайд этиб ўтилган. Унда: "1. Шундан сўнг халқ Хазерўтдан йўлга чиқиб, Порон саҳросига келиб қароргоҳ қурди. 2. Эгамиз Мусога деди: "Мен Исроил халқига бераётган Канъон юртига айғоқчилар юбор. 3. Ҳар бир қабиладан биттадан йўлбошчини жўнат." 4. Мусо, Эгамизнинг амрига мувофиқ, қабила йўлбошчиларини Порон саҳросидан Канъон юртига жўнатди"¹.

Давлатлараро муносабатларда агентлардан фойдаланилган биринчи археологик манбалардан бири, Сурия ҳудудида топилган ва милoddан аввалги XIII асрга оид қадимий "ёзувлар"дир. Уларда бир давлат ҳукмдори бошқа давлат ҳукмдори билан шартномага асосан, ҳали товон тўловини олмасдан, ўзининг "айғоқчи"ларини озод қилганидан шикоят қилади.

Хитойнинг ҳарбий назариётчиси Сун Цзи ("Уруш санъати" рисоласи муаллифи), ўзини ишида айғоқчилик фаолиятига алоҳида аҳамият берди. Унинг сўзларига кўра, агентлар билан ишлаш қатъий махфийлик ва ноошкораликни талаб қилади ҳамда нафақат уларга эга бўлиш, балки улардан моҳирона фойдаланиш ҳам зарур. У тезкор қизиқиш уйғотадиган шахсларни танлаш ва маълумот тўплашга катта аҳамият берди. Шу муносабат билан Сун Цзи агентларни беш тоифага ажратди: маҳаллий, ички (агентлар ўз фуқаролари орасидан душман мамлакатада), айлантирилган қилинган (икки томонлама ёки айлантирилган агентлар), қайтариб бўлмайдиган (қўпоровчилар) ва уюшган фитна тизимини ташкил этадиган одатланган (айғоқчилар)².

Тезкор усул (тезкор комбинация)нинг шаклланишида қирол Митридат Понтийский (милoddан аввалги II аср) муҳим роль ўйнаган, сақланиб қолган маълумотларга кўра, у ўзи бир неча бор махфий маълумот берувчи сифатида ҳаракат қилган. Архивларда Митридат Понтийский шубҳали, қаттиққўл ва айёр одам сифатида тавсифланади. Унинг хабарчилари кўплаб Осиё ҳудудларидаги Рим ва Греция ерларида доимий равишда фаол эдилар.

Файласуф Геродотнинг милoddан аввалги 480 йилга тегишли асарларининг аксарияти қадимги юнонлар томонидан қўшинларнинг техникаси ва усулларида фойдаланиш ҳақида қайд этиб ўтилган. Шоҳ Искандар Зулқарнайн ва Ганнибал ҳам тез-тез маълумот олиш учун тезкор ишлардан фойдаланганлар³.

Бундан ташқари, Плутархнинг ёзувларига кўра, иккинчи "Пуник уруши" пайтида (милoddан аввалги III аср) Сицилиядаги шаҳарга ҳужум қилишдан олдин, Ганнибал ўз

¹ Инжил, Эски аҳд, "Саҳрода" (13-боб) Айғоқчилар. <https://www.kitobook.com/web/INJIL/vz-004-num-muqaddas-kitob-injil.html>.

² Н.В.Румянцев, О.И.Мальчук. Развитие оперативно-розыскной деятельности с древних времен до XX века. Научная статья. <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-operativno-rozysknoy-deyatelnosti-s-drevnih-vremen-do-xx-veka>.

³ Юдин Е. Г. Некоторые вопросы истории развития оперативно-розыскной деятельности и ее правовой основы // Уголовно-исполнительная система: право, экономика, управление. – 2006. – № 5. – С. 14–21.



агенти у ерга юборган, у Карфаген армиясига олов ва тутун билан ишора қилган: натижада шаҳар катта йўқотишларсиз олинган. Қадимги тарихчи Полибийнинг айтишича, Ганнибалнинг ўзи бир неча бор парик кийиб, сохта соқол кийиб, разведка маълумотларини тўплаш учун Рим лагерига кириб борган⁴.

Рим императорларида бутун империя бўйлаб барча шубҳали бўлган шахсларга нисбатан махфий агентларидан (хабарчи-айғоқчи) иборат қўшинларига эга бўлган.

Милодий I-III асрлардаги қадимги ҳиндларнинг адабий ёдгорлиги ҳисобланган "Артхашастра" асари, қадимги Ҳинд жамияти махсус хизматларининг тузилиши ва тамойиллари тўғрисидаги маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади. Унда судьялар ва шубҳа остида қолган бошқа органлар масъулларини назорат қилиш ҳамда уларга ноқонуний қарорлар учун пора беришга ихтисослашган махсус агентлар ҳақида ҳақида гап боради. Худди шу агентлар,

- жиноятчиларни олдиндан тайёрланган гувоҳлар билан маълум уйлардан олдиндан режалаштирилган буюмлар ва қимматбаҳо нарсаларни ўғирлашга мажбур қилишлари;
- жиноий гуруҳлар орасига кириб фаолият олиб бориши;
- жиноий гуруҳ аъзолари ўртасида нифоқ солиш ва уларни зарарсизлантириш каби вазифалар юклатилган⁵.

Милодий VI асрга келиб Византия империясининг разведка хизмати давлат бошқарувида устунликка эга бўлди ва давлат тузумига реал хавф соладиган душманларнинг режалари тўғрисида маълумот олиш учун агентлар хорижий мамлакатларга савдогарлар ниқоби остида юбориш амалиётидан кенг фойдаланди.

Мусулмон давлатлари, хусусан, Африка, Осиё ва Шарқий Европадаги ҳарбий рейдлардан фаол фойдаланган ҳолда, юқори даражада ташкил этилган махфий агентура аппаратини яратдилар.

XI асрнинг яна бир манбасида - Низом-ул-Мулкнинг "Сиёсатнома" рисоласида - элчихона фаолиятига бағишланган "Элчилар ва уларнинг иш тартиби" номли йигирма биринчи фаслида қуйидагилар келтирилган. Рисолада элчилар чегара ҳудудига келганида, уларнинг қанчаси ва қанча одам борлиги тўғрисида дарҳол хабарчилар томонидан маълумот юборилиши талаб қилинган. Уларни кузатиб бориш ва йўлда бошпана ва озиқ-овқат бериш лозим бўлган. Элчилар, агар улар душман куч вакиллари бўлса ҳам, ҳақорат қилинмаслиги кераклиги, Қуръони каримда кўрсатиб ўтилган: "Пайғамбар зиммасида фақат етказиш бор, холос. Аллоҳ ошкор этган нарсангизни ҳам, яширган нарсангизни ҳам билур"⁶.

"Низом-ул-Мулк" асарида давлатлар бир-бирларига элчилар юбориб, нафақат аниқ, балки махфий ва яширин мақсадларни ҳам кўзлаганлар. "Улар йўллар, ўтиш жойлари, дарёлар, ариқлар, ичимлик сувларининг ҳолати қандай, қўшинлар ўтиши мумкинми ёки йўқми, қаерда ем-хашак бор, қаерда йўқ, у ёки бу жойнинг қайси

⁴ Н.В.Румянцев, О.И.Мальчук. Развитие оперативно-розыскной деятельности с древних времен до XX века. Научная статья. <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-operativno-rozysknoy-deyatelnosti-s-drevnih-vremen-do-xx-veka>.

⁵ Курс лекции. Понятие, виды и формы ОРД. Краткая история и назначение оперативно-розыскной деятельности. Цели, задачи и принципы ОРД Раздел 3. <https://pandia.ru/text/78/010/75130.php>

⁶ Моиди сураси, 99-оят. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Қуръони Карим» ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси.; «HILOL NASHR»; 2017 й. 628 б.



сафлари, нима эканлигини билишни хоҳлашган. ўша давлат раҳбарининг қўшинлари ва унинг йиғинлари, илтифотлари қиролнинг муносабати ва учрашувлари қандай ўтганлиги, унвон қоидалари, ўтириш ва туриш, тўп ўйнаш, ов қилиш, унинг феъл-атвори, ҳаёти, хайрия фаолияти, кўз-қулоқлари, одатлари ва ишлари, мукофотлари, адолатли ёки адолатсизлиги каби масалаларга эътибор қаратилган. Шу билан бирга, унинг қари ёки ёшлиги, маърифатпарвар ёки жоҳил эканлиги, унинг ерлари гулаб-яшнаётганлиги ёки таназзулга юз тутаётганлиги ҳақида маълумотларни олиши? Унинг ҳарбий қўшинлари ундан розими ёки йўқлиги? Унинг халқи бой ёки камбағал эканлиги? У ўзини фаолиятида хушёр ёки бефарқ эканлиги? Унинг вазирлари лавозимга муносибми ёки йўқми, диндан хабари борми ёки йўқми? Унинг бош қўмондонлари тажрибали ва инсонларга муносабати қандай эканлиги? Давлат раҳбарини атрофидаги ишончли одамлари ўқимишлими, иқтидорлими ёки йўқми? Улар нимадан нафратланишади ва нимани севадилар? Подшоҳ шароб ичаётганида, хушчақчақ ва қувноқми ёки йўқми? У ҳамдардми ёки бефарқми? Жиддийми ёки қувноқ ҳолатда бўладими? У кўпроқ жангчилар ёки аёллар орасида бўлишни афзал кўрадимми?" каби саволларга жавоб олиб келиши лозим бўлган⁷.

Агентларни қадрлаган ва фаол ишлатган Чингизхон махфий хизматни ташкил етишга ва агентура ишининг тактикасига жуда кўп фойдали нарсаларни олиб келди ва шу билан бирга у душман айғоқчилари билан шафқатсизларча муносабатда бўлган. Хусусан, унинг ҳарбий қўмондони Субудай томонидан турли ҳийлалар, қайта ўзгариш каби ишончли одам сифатида ишлайдиган техникалардан фойдаланган. Субудай - Чингизхон ва унинг ўғли Ўқтойнинг бош ҳарбий стратег бўлиб, 20 дан ортиқ ҳарбий компанияларни бошқарган ва умумий жангда 65 маротаба ғалаба қозонган, бу даврда у тарихдаги бошқа қўмондонларга қараганда, кўпроқ ҳудудларни забт етган. У тарихдаги энг буюк ҳарбий раҳбарлар ва стратеглардан бири сифатида танилган⁸.

Япония халқи, хусусан самурайларнинг ахлоқ ва кундалик ҳаёт кодекси ҳисобланган "Бусидо" қоидаларида монарх ёки давлатнинг фойдасига айғоқчилик ва жосусликни амалга оширишни юклаган. Хусусан, Мэцукэ - самурайлар орасида офицер унвонидир. Токугава даврида вазифалари тўлиқ аниқ бўлмаган амалдорларга шундай ном берилган. Уруш вақтида улар айғоқчи зобитлар сифатида ҳаракат қилишган. Тинчлик даврида эса, мэцукэлар даймё (хўжайин)ларига вассалларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиш асосий вазифа сифатида юклатилган. Мэцукэ атамаси "жосус" ёки "инспектор" деб таржима қилинади⁹.

Ўрта асрларда ҳам давлат, ҳукумат ва сиёсий тузум ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида, тезкор комбинация кўринишидаги турли усуллардан самарали фойдаланиб келишган. Бу даврда нафақат Европанинг аксарият давлатлари тезкор-қидирув ишининг ташкилий шаклини ўзлаштирдилар, балки черков ҳам Европа бўйлаб ўзининг агентура тармоғига эга бўлган. Бундай маълумотларни олишнинг энг самарали

⁷ В.П.Потемкин Дипломатия с древних веков до 1872 гг. Том. 1. Дипломатия арабов <https://history.wikireading.ru/159253>

⁸ <https://ru.wikipedia.org/wiki/Субэдэй>.

⁹ Ю.Дайдодзи. "Будосёсинсю". Бусидо. Военный канон самурая с комментариями. Я.Цунэтомо <https://kartaslov.ru>. (Мурожаат вақти: 12.12.2023 й.)



усулларидан бири фуқароларнинг содир этган гуноҳлари бўйича қилган тавбалари ҳисобланарди. Уйғониш даврига қадар Рим империяси ҳокимияти дунёнинг бошқа мамлакатларидаги вазият ҳақида энг кўп маълумотларга эга давлатлардан бири эди.

Францияда кардинал Ришелье душманларига қарши махфий урушни уюштирар эди. Унга ноошкора маълумотлар ҳар куни агентлардан, шу жумладан Шарль Д.Артатьян (машҳур “Уч мушкетёр” романи прототиби) исмли махфий ходимдан етказилиб турарди.

Машҳур ёзувчи Даниэль Дефо ҳам узоқ вақт давомида агент сифатида фаолият юритиб, кейин эса Британия қироллиги махфий хизматининг раҳбари бўлган. Шунингдек, Карон Де Бомарше (“Фигаронинг никоҳи” пьесаси муаллифи) ва Уолт Дисней каби машҳур шахслар ҳам бир вақтлар суперагентлар бўлишган.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, тезкор комбинация усулларидан Наполеон ҳукмронлик қилган даврнинг иккинчи ярмида урушлар туфайли барча ижтимоий алоқалар сусайиб, жиноятчилик тўлқини Франция шаҳарлари ва айниқса Парижни қамраб олиши хавфи юзага келган. Францияда тезкор-қидирув ва разведка ишларини ташкил этишдаги улкан муваффақиятлар Наполеонга тегишли бўлиб, унинг “махфий бюроси” нафақат душманга қарши, балки фуқаролар орасида ҳам фаолият юритган. Агентлар томонидан берилган маълумотлар учун ушбу фаолият моддий томондан яхши маблағлар билан таъминланган.

Буни натижасида оғир жиноятчиликка қарши кураш учун махсус бўлинма – Сюрте ташкил қилинди. **Маълумот ўрнида**, Сюрте насионал (la Sûreté nationale) - Франция ички ишлар вазирлигининг миллий хавфсизлик бош бошқармаси бўлиб, мамлакатнинг асосий контрразведка ва полиция органи сифатида қуйидаги вазифаларни амалга оширган:

- чет эл разведкалари ва уларнинг агентуралари фаолиятини аниқлаш ва чек қўйиш;
- Франция, Германия ва Ғарбий Берлин ҳудудидан СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қўпоровчилик ишларини олиб бориш;
- Франция коммунистик партияси ва бошқа илғор ташкилотларга агентларни киритиш;
- сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, эмигрант ташкилотларини кузатувини амалга ошириш;
- собиқ мустамлакалар ва қарам мамлакатлардан келган муҳожирларни бирлаштирган турли ташкилотлар ҳамда ўз ватандошларига нисбатан контрразведка фаолиятини амалга ошириш;
- миллий озодлик ҳаракати ташкилотларига агентларнинг киритиш;
- Франция чегараларини муҳофазасини амалга ошириш;
- чет элликларнинг Франция ҳудудида кириш-чиқиш, яшаш ва ҳаракатланиш режимига риоя этилишини назорат қилиш;
- ҳукумат фаолиятини ҳимоя қилиш;
- жамоат тартибини сақлаш; жиноятчиликка қарши курашиш;



➤ ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органларининг ички сиёсий вазиятдан хабардор қилиб туриш¹⁰.

Сюрте ходимлари бор-йўғи бир йил ишлаш жараёнида 812 нафар қотил, ўғри, босқинчи ва фирибгарларни қўлга олиб фош этдилар, жиноятчилар маконларини йўқ қилдилар. Оғир жиноятларга қарши кураш бўйича хуфий чораларнинг бутун бир тизими ташкил этилди. Сюрте ходимлари алоқасида хабарчилар – илгари судланган шахслар турган, уларнинг хизматлари учун махсус махфий жамғармадан ҳақ тўланган. У замонларда айғоқчилардан фойдаланиш кенг қўлланилган, тезкор кузатув амалга оширилган, тезкор комбинациялар ўтказилган (айниқса тезкор киритиш ёки ниқобланган операцияларда), камера типигаги хоналарда тезкор-қидирув фаолияти жадал юритилган. Жиноятчиларнинг ташқи белгилари, судланганлиги ҳамда жиноятларни содир этиш усуллари бўйича ҳисоби ташкил қилинган. Уларнинг умумий сони деярли 5 млн. карточкани ташкил қилган¹¹.

Немис разведка хизматининг асосчиси полиция маслаҳатчиси В.Штибер ҳисобланиб, унда бутун дунёдаги юқори лавозимдаги амалдорлар ва сиёсатчилар, шунингдек, махфий хизматга жалб қилиниши мумкин бўлган фаол агентлар ва фуқаролар рўйхати шакллантирилган эди.

Пруссия қироли Фридрих II ҳам ўз даврида айғоқчилар имкониятларидан кенг фойдаланган. Фридрих II нинг атрофида юздан ошиқ агентлар фаолият олиб борган ва улар қуйидаги тоифаларга: 1) муҳим (юқори мартабали); 2) оддий (камбағаллар); 3) мажбурланган; 4) иккиюзламачи агентлар (фош эилган айғоқчилар)га бўлинган. У агентларни рағбатлантириш ва мажбурлаш методларини ўзида мужассамлаштирган йўриқнома ва психологик жиҳатдан тайёрлаш лозимлигини талаб қилган. Бу келгусида умумий характердаги иш усулига айланди.

У маълум тоифа (деҳқон, савдогар, князь ва ҳ.к.)ларга қараб ахборот манбаларини олиш ва улардан фойдаланиш бўйича ўзини тавсияларини ишлаб чиқди. Унинг “Деҳқондан тортиб то биринчи вазиргача ҳамма жосуслик қилишга мажбур бўлиши керак. Шундагина давлат ўзини нисбатан хавфсиз ҳис қила олади”¹² деган сўзлари унинг тарихда “Буюк Фридрих” (“Фридрих Великий” М.И.) унвонига сазовор бўлишида муносиб ҳиссасини қўшди.

АҚШда ҳатто Шимолий ва жанубдаги фуқаролар уруши пайтида ҳам, контрразведка вазифаларини ҳал қилиш учун хусусий изқуварларни жалб қилиш кенг қўлланилган. Улардан бири Аллан Пинкертон бўлиб, у кейинчалик Шимолий Америка қўшма штатлари контрразведка хизматини бошқарган. АҚШнинг биринчи президенти Жорж Вашингтон ҳам тезкор-қидирув фаолияти усулларида жуда самарали фойдаланган.

Учинчи босқич - Янги давр тезкор-қидирув ишлари. Чор Россиясини Марказий Осиёга босқини даврида ҳам, дипломатик, савдо ва бошқа муносабатлари даврида

10 Контрразведывательный словарь. Главное управление национальной безопасности министерства внутренних дел Франции. <https://counterintelligence.academic.ru/>

11 А.А.Хамдамов, Т.Р.Саитбаев ва бошқ. Тезкор-қидирув ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – 120 б. 14-бет.

12 Г.Федоров. Как Фридрих Великий создавал супершпионов? <https://armflot.ru/index.php/razvedka/738-kak-fridrikh-velikij-sozdaval-supershpionov>



айғоқчилар ёрдамида тезкор-қидирув ишини айрим элементларидан, хусусан, маълумотларни тўплаш, тезкор аниқлов ва тезкор киритиш каби тадбирлардан фойдаланишган. Масалан, Бугунги кунда Россия архивида сақланиб қолган 1853 йил 30 апрелда рус ҳукуматида берилган агентура хабарлари орқали Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги расмий баёнот билан танишиш мумкин. У ерда келтирилишича, қўқонликлар руслар томонидан қурилаётган кемалар ҳақида хабар топгач, баҳорда ўзларининг қалъаларига русларнинг ҳужум уюштириши мумкинлигидан хавотирга тушиб қолишган. Шу боис Хива ва Қўқон хонлари тинимсиз равишда бир-бирларига элчи юбориб, рус қўшинларига қарши иттифоқ бўлиб курашиш мақсадида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга интилаётганликлари қайд этилган ҳужжатда 1853 йил 30 апрелда рус ҳукуматида қозоқ овулларида етказилган агентура хабарида келтирилишича, рус қўшинларининг Ўрта Осиё чегараларида фаоллашганлигидан хавотирга тушган Хива хони ўзининг айғоқчиларини ҳар томонга юборган. «Юрган миш-мишларга кўра, айтилишича, бир қанча хиваликлар қозоқ ботирлари Жонхўжа Нурмухаммедов ва Исмет Котибаровларнинг ҳузуридадирлар» деб маълум қилинган ҳужжатда¹³.

Мазкур даврларда тезкор-қидирув фаолиятидаги сўров, маълумотларни тўплаш, тезкор кузатув, шахснинг айнанлигини аниқлаш, турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш, тезкор киритиш, назорат остида етказиб бериш ва ниқобланган операция каби тезкор-қидирув тадбирлардан унумли фойдаланилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қўйидаги омиллар ўрта асрларда тезкор-қидирув тадбирлари ва тезкор комбинацияларни ўтказишга асосий сабаб бўлган:

- Қўшни ёки душман давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- Қирол (монарх) томонидан ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолиш;
- Ҳукмдор томонидан ўз халқини куч ва босимда ушлаб туриш;
- Тадбирларни ўтказиш орқали аҳолини “элита”си бўлган зодагонлар, князлар, ҳокимлар, беклар ва ҳ.к. манфаатларига хизмат қилиш;
- Давлатлар ўртасидаги уруш ва қуроли моҳирлар даврида махсус тактика ва стратегияларни қўллаш;

Ўша даврларнинг монархларига хос бўлган босқинчилик ҳаракатлари, ҳукмронлик ва машхурлик каби ҳаракатларни самарали амалга ошириш.

References:

1. Инжил, Эски аҳд, “Саҳрода” (13-боб) Айғоқчилар. <https://www.kitobook.com/web/INJIL/vz-004-num-muqaddas-kitob-injil.html>.
2. Н.В.Румянцев, О.И.Мальчук. Развитие оперативно-розыскной деятельности с древних времен до XX века. Научная статья. <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-operativno-rozysknoy-deyatelnosti-s-drevnih-vremen-do-xx-veka>.

¹³ А.Х.Камилов (масъул муҳаррир) Ўзбекистон дипломатияси тарихи (Қадимги замонлардан ҳозирги кунгача); 6-жилд. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети. Тошкент. «O'zbekiston». 2019. 508 б. 240-бет.



3. Юдин Е. Г. Некоторые вопросы истории развития оперативно-розыскной деятельности и ее правовой основы // Уголовно-исполнительная система: право, экономика, управление. – 2006. – № 5. – С. 14–21.
4. Н.В.Румянцев, О.И.Мальчук. Развитие оперативно-розыскной деятельности с древних времен до XX века. Научная статья. <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-operativno-rozysknoy-deyatelnosti-s-drevnih-vremen-do-xx-veka>.
5. Курс лекции. Понятие, виды и формы ОРД. Краткая история и назначение оперативно-розыскной деятельности. Цели, задачи и принципы ОРД Раздел. 6. Моида сураси, 99-оят. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Қуръони Карим» ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси.; «HILOL NASHR»; 2017 й. 628 б.
6. В.П.Потемкин Дипломатия с древних веков до 1872 гг. Том. 1. Дипломатия арабов <https://history.wikireading.ru/159253>
7. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Субэздэй>.
8. Ю.Дайдодзи. “Будосёсинсю”. Бусидо. Военный канон самурая с комментариями. Я.Цунэтомо <https://kartaslov.ru>. (Мурожаат вақти: 12.12.2023 й.)
9. Контрразведывательный словарь. Главное управление национальной безопасности министерства внутренних дел Франции. <https://counterintelligence.academic.ru/>
10. А.А.Хамдамов, Т.Р.Саитбаев ва бошқ. Тезкор-қидирув ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022.– 120 б. 14-бет.
11. Г.Федоров. Как Фридрих Великий создавал супершпионов? <https://armflot.ru/index.php/razvedka/738-kak-fridrikh-velikij-sozdaval-supershpionov>
12. А.Х.Камилов (масъул муҳаррир) Ўзбекистон дипломатияси тарихи (Қадимги замонлардан ҳозирги кунгача);6-жилд. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети. Тошкент. «O'zbekiston». 2019. 508 б. 240-бет.
13. Каршиев А. М. К вопросу о понятии «Оперативная комбинация» //Образование наука и инновационные идеи в мире. – 2023. – Т. 25. – №. 1. – С. 68-71.
14. Каршиев А. М. и др. Нормативно-правовая регламентация обеспечения компьютерной безопасности информационных систем в Республики Узбекистан //образование наука и инновационные идеи в мире. – 2023. – Т. 25. – №. 1. – С. 77-82.
15. .Tashtemirov A., Po'latov A. Ayollar jinoyatchiligining oldini olish chora-tadbirlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 75-78.
16. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий профилактика объекти сифатида алкоголизм таъсиридаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 552-558.